

ДАРСЛАРИДА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кобилова Гўзал Илхомовна

Жиззах политехника институти, катта ўқитувчи

Аннотация. Мақола бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боғланиши, бир сўз билан айтганда ўқитувчи замон билан ҳамнафас фаолиятда бўлмоғи муҳимлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган.

Таянч сўзлар: илм, мутахассис, ахборотлаштириш, педагогик технология, таълим.

Аннотация. В статье содержится информация о важности системы подготовки, обучения и воспитания специалистов сегодня в нашей жизни, в нашем обществе, в тесной связи с требованиями процесса реформирования, обновления, одним словом, учитель должен идти в ногу, со временем.

Ключевые слова: наука, специалист, информатизация, педагогические технологии, образование.

Annotation. The article contains information about the importance of the system of training, education and education of specialists today in our lives, in our society, in close connection with the requirements of the process of reform, renewal, in short, the teacher should be in step with the times.

Keywords: science, specialist, informatization, pedagogical technology, education.

Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг! (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқидан)[3].

Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари

талаблари билан яқиндан боғланмоғи лозим. Ҳозирги замон ўқитувчиси мумкин қадар мустақил, эркин фаолият кўрсатиш йўлидан бориши, бунинг учун унда чуқур билим, тажриба, иқтидор ва шу билан бирга, ёшларга билимни етказа олиш маҳорати бўлиши зарур. Бошқача айтганда, ўқитувчи замон билан ҳамнафас фаолиятда бўлмоғи муҳим.

Мамлакатимизнинг йирик услубшунос олимлари, кўплаб етук ўқитувчиларнинг тажрибалари ўқувчиларни дарсларда мустақил фикрлашга ўргатишнинг энг мақбул усулидан суҳбат-мунозара, баҳс, хилма-хил ноанъанавий дарсларда синфни фаол иштирок эттириш эканлигини узил-кесил аниқлаб берган. Бундай шакллардаги дарслар, аввало, ўқувчиларни ўқитувчи томонидан қўйилган муаммо, савол, вазифа устида ўйланишга, жавоб излашга сафарбар этади. Шунинг ўзи ижодий жараён бўлиб, ўқувчидан ўз билимларини фаол ишга солиш, хилма-хил жавоб вариантлари устида бош қотириб, изланиб, тўғри хулоса чиқаришни талаб қилади. Албатта, ўқувчи бу жараёнда ўқитувчи томонидан берилган маълумотлар, дарсликдаги тайёр кўрсатмалар доирасида чегараланиб қолмай, уларни тўлдиришга интилиши, ўқитувчи ҳам уни худди шу хил фаолиятга йўналтириб бориши зарур. Шундагина биз ҳар бир масала юзасидан ўз мустақил фикрига эга, саводли, баркамол шахсни тарбиялашга эришамиз.

Ахборотлаштириш кишилиқ жамиятининг барча соҳаларига кириб бормоқда. Замонавий ахборот технологиялари тезкор ва мувофиқ равишда бошқаришга, ахборот коммуникацияларини ўрнатишга имкон беради.

Ҳозирги замон ахборот технологияларининг асосини 3 та техника ютуғи ташкил қилади:

- 1) ахборотнинг машина ўқийдиган воситаларда жамланиши (магнит тасмалар, кинофильмлар, магнит дисклар);
- 2) ахборотни масофа ва вақт бўйича чеклашларсиз етказиш имконининг туғилиши (радио, телевидение, йўлдош алоқа, телефон тармоғи ва ҳ.к.);
- 3) ахборотни компьютерлар ёрдамида ишлаб чиқиш имкони.

Энди бу ҳолатни бевосита таълим жараёнига кўчирадиган бўлсак, ўқиш (ўқувчи томонидан қилинадиган ишлар) – ўқитиш (ўқитувчи фаолияти) жараёнининг ўзаро узвийлигини, алоқадорлик босқичларини ажратиш; таълим-тарбия жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бажариладиган ишларни мувофиқлаштириш, уларнинг кетма-кетлиги, босқичма-босқичлигини таъминлашни; лойиҳалаштирилган (режалаштирилган) барча ишлар ва амалларни бирдек, талаб даражасида бажариш назарда тутилади. Ахборот узатишга доир технология тарафдорлари ўқитиш жараёнини қулайлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу қулайлик педагогик технология усуллари эгаллаш орқали яратилади.

Педагогик технология – ахборот технологиясидир, чунки таълимда технологи жараённинг асосини ахборот ва унинг ҳаракати(ўзгариши) тушунилади.[2,б.38]. Демак, ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатувчи бўлимлар ва тизимлар мажмуаси. У таълим тизими маълум босқичининг битирувчиси шахсига хос бўлган хусусиятларни юзага келтириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Педагогик технология таркибига умумлаштириб айтганда қуйидагилар киради:

1. Таълимнинг умумий мақсадлари, муҳим масалалари таснифи.
2. Хусусий мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш.
3. Таълим мақсадини назорат топшириқларига айлантириш.
4. Мақсадларга эришиш усуллари.
5. Таълим мақсадига эришганликни баҳолаш.

Ҳозирги кунда жуда кўп услубчи ва педагог олимлар янги педагогик технологиялар ўқувчиларга таълим-тарбия беришда кўзланган мақсадга эришишни тўла қафолатлайди деб қарашмоқда. Тўғри, замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқаришда бошқарувчидан катта куч талаб қилинмайди. Махсус технологияни ўзлаштириш ёрдамида қўйилган мақсадга тўла эришиш мумкин. Лекин бу назарияни педагогик технологияда тўлалигича қўллаб бўлмайди, чунки бунда объект шахс бўлиб, унинг онги тақлиф

қилинаётган технологияни бутунлай қабул қилмасдан, аксинча, уни инкор қилиши мумкин. Шунинг учун замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига киритишда унинг бошқарувчиси бўлган ўқитувчи кўзланган мақсадга эришишнинг бош кафолатчиси бўлади.

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун услубий қўлланмаларни илғор халқаро дастурларга мослаштириш лозим. **(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси)[1,б.4].**

Шу ўринда қуйидаги фикрни таъкидлаш жоиз: бугунги кунда ўқувчини таълим-тарбия жараёнининг пассив объектидан фаол субъектига айлантириш ғояси барчага маълум ва бу ғоя кўп ҳолатларда ўзининг ижобий ечимини топмоқда. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчини ахборот билан таъминлаш эмас, балки уни топишда ёрдам беришдан иборат бўлади, ўқитувчи билим олиш йўлини кўрсатади.

Демак, таълим инновациялари муаммоларини ҳал этишда ўқитувчининг ижодий фаолияти катта амалий аҳамиятга эга,-деб ҳисоблайман.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 20-ҳафта ахборот соати материаллари, Т.2021 й.
2. ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. Олий таълим муассасалари учун / Р.Ҳамдамов, У.Бегимкулов, Н.Тайлоқов. ЎзМЭ давлат илмий нашриёти. -Т.: 2010,120 б.
3. www.Ziynet.uz.